

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МУАММОЛИ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА- ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ

Назарбоев Авазбек Қувондиқ ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-курси 307-гуруҳ курсанти

Профилактика (катта) инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси» номли 7-боби талаблари асосида оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

Профилактика (катта) инспекторлари томонидан оила-турмуш муносабатлари доирасида ўзининг субъектив омиллар билан боғлиқ ҳолда ғайриижтимоий хуқ-атвори, ҳаёт тарзи ва бошқа хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши эҳтимоли мавжуд шахсларга нисбатан ушбу хавфни камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти бу соҳада хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир.

Профилактика (катта) инспекторлари оила-турмуш муносабатлари доирасидаги хуқуқбузарликлардан содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини, уларнинг жабрланувчига айланиши сабаблари ва шароитларни ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланувчига айланиш хавфини туғдираётган омиллар, бу соҳада содир этилаётган хуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва хушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш орқали бу йўналишдаги виктимологик профилактика амалга оширилади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги хуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги виктимологик профилактикаси профилактика (катта) инспектори томонидан маъмурий ҳудудда оила-турмуш соҳасида кўп содир этилаётганлиги ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётган хуқуқбузарликлар ёхуд бундай хуқуқбузарликлардан маълум бир тоифадаги шахсларнинг жабрланиш кўрсаткичининг тобора ошаётганлиги билан криминоген вазият барқарорлигига таҳдидлар кучайган ҳолларда, ушбу турдаги хуқуқбузарлик ҳамда ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар хусусиятидан келиб чиқиб маҳаллаларда, аҳоли турар жойларида, меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Профилактика (катта) инспектори томонидан оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича қуйидаги чоратадбирлар амалга оширилади:

– оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низолардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, ушбу ҳуқуқбузарликлар шу жумладан, жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, уларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилади, уларни огоҳликка, ғайриижтимоий хулқ-атвор, турмуш тарзидан қайтаришга хушёрликка чақиради;

– аҳолига, айниқса ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила аъзоларига оила-турмуш муносабатларида вужудга келадиган низо ва келишмовчиликларни тинч, муросою мадора билан ҳал этиш йўлларини ўргатади;

– оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда улар билан якка тартибдаги виктимологик профилактик ишларни олиб боради;

– маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларнинг оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаб шароитларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

– аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериб боради, бу борада уларни огоҳлик, хушёрликка, ғайриижтимоий хулқ-атвордан қайтаришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади;

– оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлган шахсларга тиббий, маънавий-руҳий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш чораларини кўради.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоратадбирларини амалга оширишда профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассаса, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилади.